O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 2
ИПОТЕКА КРЕДИТИ 3
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА МАЖБУРИЯТ 4
ЎҚУВЧИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАЙЛИК!

**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.**

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 14-МОДДА

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 35 (441)
2005 йил 20 сентябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

# ЯРАШУВ

## шарқона табиатимиз ва миллий қадриятларимизга мос



**Кечиримлилик, бағрикенглик сингари фазилатлар азалдан халқимиз томонидан қадрланиб келинади. Айбини бўйнига олган, узр сўраб, қилган қилмишига пушаймон бўлган кишининг тавба-тазаррусини инобатга олиш юксак инсонпарварлик амалларидан саналади. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтганидек, жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.**

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Содир этилган жиноят учун қаттиқ жазолаш жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг муқаррарлиги тамойилига таянган ҳолда жазо тайинлашда инсонпарварлик нуқтаи-назаридан ёндашишга кенг эътибор қаратилди. 2001 йилнинг 29 августида Олий Мажлис томонидан **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ давлат сиёсатида туб ўзгаришлар рўй беришига омил бўлди. Натижада, қисқа муддатда Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексидаги қатор меъёрларга ўзгартириш ҳам қўшимчалар киритилиб, айрим моддалар янги таҳрирда баён қилинди. Жумладан, Жиноят кодексига **"Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида"**ги 66-1-моддасининг киритилгани, яъни амалиётга ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг жорий этилиши жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Ярашув институтининг қўлланиши билиб-билмай хато қилган, қилмишидан пушаймон кишилар тақдирида ижобий томонга кескин ўзгариш ясамоқда. Биз қуйида ҳикоя қиладиган икки ҳаётий воқеа ҳам бунинг далилидир. Ургут туманидаги "Ургут — Қоратепа" автомобил йўлида шу йил 4 май куни эрталаб йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Жўрабек Юсупов ўзи бошқараётган "Жигули"нинг тезлигини оширгани оқибатида машинани бошқаролмай қолиб, йўлнинг қарама-қарши томон чиқиб қолган ва қаршисидан келаётган ҳайдовчи К. Ҳошимов бошқарувидаги "Дамас"га урилган.

Бу ҳодиса Ж.Юсупов томонидан йўл ҳаракати қоидаларни бузгани оқибатида юз берган. Суд-тиббий экспертизанинг хулосасига кўра, К.Ҳошимов ўртача оғирликдаги тан жароҳати олган.

Йигирма икки ёшли Ж.Юсупов машинани ҳайдовчилик гувоҳномасисиз, ишончнома билан бошқарган. Ўз-ўзидан аёнки, унинг йўл ҳаракати қоидаларини тўлиқ билишига ҳеч ким кафил бўлолмайди. Боз устига айрим ёшларимизнинг ўзларига ортиқча ишонишлари унга ҳам бегона эмас.

Ушбу ҳодиса юзасидан бўлиб ўтган суд мажлисида жабрланувчи К.Ҳошимов судга ихтиёрий равишда ариза билан мурожаат қилиб, судланувчи билан ярашишгани, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганини, Ж.Юсуповга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён этди ва жиноят ишини тугатишни сўради. Ўз навбатида судланувчи ҳам жабрланувчи билан ярашгани, етказган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ тўлаганини баён этиб, судга мурожаат этди.

Суд судланувчи Ж.Юсуповнинг жабрланувчи билан ярашгани, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплагани, айбдор айбига иқрорлиги, муқаддам судланмагани, қилмишидан пушаймонлигини ҳисобга олиб, Жиноят кодексининг 66.1-моддасига асосан жиноят ишини тугатди. Ҳаёт бўсағасида турган ёш йигитнинг ножоиз ҳаракати унинг келажагини ўйлаб кечирилдики, бундан тегишли хулоса чиқариб олиш энди Жўрабекнинг ўзида қолади.

Ҳа, бу ёруғ оламда инсон боласининг бошига не савдолар тушмайди дейсиз. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлганидек, кишининг боши ёстиққа текканда ёки бирор-бир ташвишга рўпара келганда, қўшнилар оғирни енгил қилиб кунингга ярайди. Ота-боболаримиз азалдан: "Ҳовли олма, қўшни ол", деб бежизга айтишмаган. Бироқ қўшнилар ҳам ҳар хил-да...

Тўйчи билан Алибой қўшни яшашади. Ўрталарида кичкина боғ бор. Ёз кунларининг бирида Тўйчи ширакайф ҳолда боғда ўтирганди. Йўлдан Алибой ўтиб қолади. Тўйчи уни ҳузурига чақирди. Мастлиги боис, йўқ жойдан жанжал чиқариб, бўш арoқ шишасини олиб Алибойни уради, унга тан жароҳати етказади. Бу билан Т. Эралиев ўзи билмаган ҳолда Жиноят кодексининг 109-моддаси, 2-қисмидаги жиноятни содир этганди. Оқ арoқ ўзининг қора ишини қилади — ғазаб отига минган Тўйчи қўшнисига қўл кўтараётган пайтда на унинг оиласини, на тўрт нафар фарзандини ва на бу қилмиши учун судланишини ўйламайди.

Жабрланувчи А.Султонов кенг кўнгиллик қилиб, қўшнисини кечирди. Тергов идорасига ўзаро ярашиб кетгани, айбдор етказган моддий-маънавий зарарни қоплагани, хуллас, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён этиб, ариза берди. Т.Эралиев ҳам бу "ҳунари"ни бошқа такрорламаслигини, пушаймонлигини айтиб, мурожаат қилди. Эгилган бошни қилич кесмайди, деганларидек, томонларнинг ярашувига асосан, Ургут туман суди мазкур жиноят ишини ҳам тугатди.

Бир зум ўйлаб кўрайлик. Хўш, ўткинчи бу дилхиралик туфайли айбдор қамоқ жазосига ҳукм қилинганда оқибати қандай кечарди? Шубҳасиз, унинг фарзандлари юрагида қоладиган алам йиллар давомида унутилмас, бунинг устига икки ўртада кечирилмас адоват пайдо бўлмасмиди?

Кечиримли бўлиш, яхши-ёмон ҳодисалар рўй берганда бағрикенглик қилиш халқимиз табиати, миллатдаги улуғ фазилат ва бу фазилат қадриятларимизга бағоят мослиги шунда кўринади. Аслида жиноий жазоларни эркинлаштириш, одиллик ва инсонпарварликни биринчи ўринга қўйиш адолатпарварликнинг нишонасидир.

**Бекбута БОБОЖОНОВ**

Qonun ijodkorligi

*Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида парламентнинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши ҳамда қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш муҳим аҳамият касб этади.*

*Табиийки, қонун чиқарувчи ҳокимият тизими ислоҳ этилганлиги ва икки палатали парламент тузилганлиги натижасида қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиби ва технологияси тубдан ўзгарди. Қонун ижодкорлиги жараёнининг босқичлари, қонунларни ишлаб чиқиш шакл ва услублари такомиллашди, ўзига хос хусусиятга эга бўлган янги институтлар жорий этилди. Қонун ижодкорлиги фаолиятида рўй берган бундай янгилик ва ўзгаришлар энг аввало, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг сифатини кескин оширишга замин яратди.*

# ПАРЛАМЕНТНИНГ КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИ:
# ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА



Маълумки, Бош қомусимизнинг 84-моддасига мувофиқ, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Олий Мажлиснинг Сенатига юборилади.

Олий Мажлиснинг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан уни яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссияси тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда, қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Мазкур конституциявий қоидадан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати ўзининг 2005 йил 26-27 август кунлари бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга тақдим этилган ижтимоий ҳаётимиз учун долзарб аҳамиятга эга бир нечта қонунларни маъқуллаш билан бир қаторда, **"Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"**ги ҳамда **"Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш киритиш тўғрисида"** қонунларни маъқуллашни рад этди ҳамда юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш юзасидан келишув комиссияси тузишни таклиф этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиясини тузишининг ҳуқуқий асослари **"Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"**ги конституциявий қонунлар ҳамда **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида"**ги ва **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида"**ги қонунларда ўз ифодасини топган.

Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат раиси, шунингдек, Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин. Қонунчилик палатасида эса бундай ташаббус билан Қонунчилик палатаси спикери, шунингдек, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар киритиш юзасидан Сенат раиси ва Қонунчилик палатасининг спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан тасдиқланади. Келишув комиссиясининг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби эса унинг мажлисида тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган сенаторлар ва қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишлича Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади.

(Давоми учинчи бетда)

*Иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, жамиятда кичик бизнес ва тадбиркорлик тараққиёти ҳуқуқий-меъёрий базани мунтазам, изчил ва қатъий такомиллаштириб бориш билан боғлиқ. Мамлакатимизда ҳам қабул қилинган тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга оид қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш туфайли мулкдорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.*

# ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ
## У ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИНГ АСОСИ

Tahlil ko`zgusi

Шу йил июн ойида давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик субъектларининг эркинлигини таъминлашга йўналтирилган қарор ва Фармонларнинг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир.

Бу стратегик вазифалар Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан учрашувдаги нутқида баён этилган эди.

Чиндан ҳам, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк эгаларини шакллантириш мамлакат тараққиётини белгилайди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ваколатининг фақат давлат солиқ идораларига берилиши мазкур соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Афсуски, айрим ҳолатларда солиқ хизмати ва бошқа назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларини текшириб, қонунга зид равишда молиявий жарималар қўллаш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Келинг, қуйидаги мисоллар орқали фикримизни исботлашга уриниб кўрайлик.

Жондор туман ДСИ ходимлари "Иброҳимбек" хусусий савдо фирмаси шаҳобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказишди. Фирма ходимлари ва сотувчиси бўлмаган пайтда сотувчининг вояга етмаган қизи И.Ражабова фуқаро Ж.Очиловга 1700 сўмга маҳсулот сотиб, мавжуд назорат касса машинасидан патта бермаган. ДСИ ходимлари Солиқ кодексининг 135-моддаси, 2-бандига асосан унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўллаган. Бироқ улар МЖтКнинг 13-моддаси талабига кўра, 16 ёшга тўлмаган киши маъмурий жавобгарлик субъекти бўла олмаслигини "унутишган". Шунингдек, И.Ражабованинг мазкур фирма савдо шаҳобчасида ишламаслиги, савдо ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириши мумкин эмаслиги ҳам эътиборга олинмаган.

(Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

*Ширин Акинер:*

# "МЕНИНГ ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ ОЛДИНДАН РЕЖАЛАШТИРИЛГАН"

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА: **Доктор Ширин Акинер Лондон университетидаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабида Ўрта Осиё бўйича маърузалар ўқийди. Бундан ташқари, у Лондондаги Қироллик халқаро муносабатлар институти профессори. Акинер Ўрта Осиё муаммоларига бағишланган еттита рисола муаллифи. Ширин Акинер 25 май куни Андижон вилоятида бўлди. У 35 кишидан: ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ҳаракат фаоллари, маҳбуслар, врачлар, маҳалла қўмиталари аъзолари, оқсоқоллар, имомлар ва маҳаллий қабристон қоровулларидан интервьюлар олди. Унинг "2005 йил 13 майдаги Андижон воқеалари (холис баҳо)» маърузаси Жон Хопкинс Университети Халқаро тадқиқотлар истиқболлари мактабининг Ўрта Осиё ва Кавказ институти томонидан эълон қилинган.**

**Ширин Акинер ўтган ҳафтада Вашингтондаги чиқишидан сўнг UPI мухбири билан учрашиб, интервью берди.**

**Биз қуйида Ширин Акинернинг ана шу суҳбатини эълон қилмоқдамиз.**

**Савол:** — ***Сиз Андижон воқеалари олдиндан режалаштирилган, деб ўйлайсизми?***

**Жавоб:** — Менинг шунга ишончим комилки, Андижон воқеалари олдиндан пухта режалаштирилган. Ўзбекистон хавфсизлик хизмати айнан шундай деб ҳисоблайди. Улардан тамоман мустақил тарзда туриб айта оламанки, мен шу йил май ойида Тошкентда ўтадиган НАТО томонидан молиялаштирилган диний экстремизм ва терроризмга бағишланган конференцияда иштирок этишни режалаштирган эдим.

(Давоми учинчи бетда)

Muhokama uchun mavzu

# ЎҚУВЧИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАЙЛИК!

***Ҳурматли таҳририят ходимлари. Мен меҳнат фахрийси, қолаверса, узоқ йиллар турли газеталарнинг жамоатчи мухбири сифатида фаолият юритган журналист сифатида айрим фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.***

***Энди гапнинг индаллосига кўчсак.***

Истиқлол барча соҳаларда бўлгани каби журналистнинг эркин ижод қилиши учун ҳам жуда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Қолаверса, бу қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ҳақда Конституциямизнинг 67-моддасида **"Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун қонунда белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди"**, дейилган. Демак, бош қомусимизнинг ушбу моддасига таяниб фикрлайдиган бўлсак, бугун мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари ҳам, журналистлар ҳам бутунлай эркин ва дахлсиз фаолият юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қолаверса, мустақиллик йилларида журналистларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва ҳимоя қилувчи яна бир қатор қонунлар қабул қилиндики, биз бу ўринда ҳали бирор-бир мамлакатда журналист ва оммавий ахборот воситаларига ҳукумат томонидан бу қадар эътибор берилганини эшитмаганимизни таъкидлаб ўтсак арзийди. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун **"Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"**ги қонуннинг 10-моддасида **"Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ва тахаллус қўйган муаллифнинг кимлигини унинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллифнинг кимлиги фақат суд қарори билан ошкор этилади"**, дейилади. Мана шу биргина модданинг ўзида амалдаги қонунчилигимизда журналистлар ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳимоясига олинганини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги далилларга таяниб гапирадиган бўлсак, бугун ўзбек журналистикасини ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд, деб баралла айта оламиз. Шу ўринда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа бир қатор мавзуларда чуқур танқидий-таҳлилий чиқишлар қилаётган "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Қишлоқ ҳаёти", "Адолат", "Ҳуқуқ" каби бир қатор таҳририятлар ва ана шу таҳририятларда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг меҳнатларига тасаннолар айтиб ўтсак, арзийди, деб ўйлайман.

Хўш, шундай экан, мен нима мақсадда қўлимга қалам олиб, ушбу мақолани ёзишга жазм этдим? Энди масаланинг моҳияти, аниқроғи, танганинг иккинчи томонига қарасак.

Юқорида ютуқларимиз ҳақида тўхталиб ўтдик. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, айрим камчиликларимиз ҳам борки, бу ҳақда ҳам ўзимиз қайғурмасак бўлмайди. Маълумки, матбуотга берилган эркинлик, ўз навбатида газетачиликда хусусий секторнинг ривожланишига ҳам кенг йўл очиб берди. Бу жуда яхши, албатта. Бир пайтлар Ўзбекистон бўйича саноқли газета-журналлар чоп этилгани ҳолда, бугун уларнинг сони мингга яқинлашиб қолди. Демак, ўз-ўзидан нашрлар ўртасида соф ижодий рақобат ва газетхонда танлаш имконияти пайдо бўлди. Лекин айрим ҳамкасбларимиз томонидан нашр этилаётган хусусий нашрларнинг ҳаммасини ҳам мақтаб бўлмайди. Чунки айрим нашрлар ўқувчи сонини кўпайтириш мақсадида бирбиридан беҳаё мақолаларни чоп этишга рўжу қўйиб кетдилар. Агар ана шундай мақолаларни қўлингизга олиб ўқисангиз, эр ва хотин ёки севишганлар ўртасидаги муносабатлар шундай ёритиладики, баъзан ўқишга ҳам уяласиз. Энди ана шундай мақолани ўқиган ёки ўқиётган ўсмир йигит-қизларнинг ҳолатини ўзингиз кўз олдингизга келтириб кўринг...

Албатта, бу ҳақда эътиборли нашрларимизда бир қатор танқидий-таҳлилий чиқишлар қилинди. Лекин афсуски, улар хусусий нашрлар муҳаррирлари ва ходимлари томонидан етарли даражада эътиборга олинмади. Агар олинганида эди, бугун камина ҳам бу ҳақда ёзиб ўтирмаган бўлардим.

Мазкур масаланинг яна бир жиддий томони шундан иборатки, кейинги пайтларда айрим хусусий нашрларда манзилсиз, аниқроғи, эгасиз танқидлар кўпайиб қолгандек, назаримда. Дейлик, бирор-бир муаллиф автобус ёки поездда ўзи билан ёнма-ён кетаётган йўловчи билан танишиб қолади. Ҳамроҳи унинг журналист эканлигини эшитиб хурсанд бўлиб кетади ва кўнглидаги гапларни тўкиб солади. Хуллас, журналистга дардини айтади. Журналист ҳам унинг айтганларини оқизмай-томизмай ёзиб олади ва матбуотда эълон қилади. Ўзингиз сезиб турганингиздек, бу ўринда на суҳбатдошнинг (чунки кўп ҳолларда журналист ҳамроҳи ўзини таништиришни истамаганини баҳона қилади), на объектнинг аниқ манзили кўрсатилади. Бу эса менинг назаримда, матбуотнинг ёки журналистнинг танқидий чиқиши эмас, аксинча, икки қўшни хотиннинг "фалончи фалон ишни фалондай қилибди", деган ғийбатидан бошқа нарса эмас.

Жонкуяр журналистлар, қадрдон ҳамкасблар, биз энг аввало, ўқувчимизни, кейин ўзимиз фаолият юритаётган нашрни, қолаверса, ўзимизни ҳам ҳурмат қилишимиз лозим. Акс ҳолда, газетхонлар орасида обрўмизни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Ўқувчисиз нашрнинг эса ҳеч кимга кераги йўқ. Кераксиз бўлиб қолишдан Яратганнинг ўзи асрасин.

**Ҳамро ШОДИЕВ,**
**меҳнат фахрийси**

Shunaqasi ham bo`ladi

***Одатда сиз-у биз яшаётган оламда умргузаронлик қилаётган кишилар икки тоифага бўлинадилар. Яъни омадли ва омадсиз одамлар. Шунинг учун ҳам халқ орасида "омадли одамнинг хўрози ҳам тухум қўяди", деганга ўхшаш киноямуз нақл юради. Ўз-ўзидан маълумки, омадли одамнинг "хўрози ҳам тухум қўйиб" турган пайтда, омадсиз бечоранинг товуғи ҳам туғмайди. Демак, омадсиз одам қай бир ишга қўл урмасин, пешонасини деворга уриб олаверади. Омадлилар эса, аксинча...***

***Буни қарангки, омадли ва омадсиз одамлар ўғрилар орасида ҳам бор экан. Биз бугунги мақоламизда айнан омадсиз ўғрилар ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.***

# ОМАДСИЗ ЎҒРИЛАР

Ўзини ўғирликнинг пири ҳисоблаб юрадиган ўғрилардан бири куппа-кундуз куни супермаркетдан бир қути қимматбаҳо пивони ўмариб чиқади. Финларнинг Варкаус шаҳрида содир этилган бу ўғирлик жиноятини на супермаркет кассирлари ва на қоровуллари сезишди. Албатта, омади келганидан хурсанд бўлиб кетган ўғри тезроқ дўкондан узоқлашиш ҳаракатига тушиб қолди. Аксига олиб, негадир йўл тирбанд, автомобиллар эса жуда секин ҳаракатланаётган эди. Ўғри ўйлаб ҳам ўтирмай секин ҳаракатланаётган автомобиллардан бирининг орқа эшигини очди ва ўзини машина ичига урди. Буни қарангки, ўғри шошилишда автомобилнинг ёнига чизилган полиция белгисига эътибор бермаган экан. Аксига олиб машинани ҳам уни бундан аввал ҳам икки марта ўғирлик устида қўлга туширган таниш полициячи бошқариб бораётган экан.

Қисқаси, қимматбаҳо пиволар дўконга қайтарилди. Ўғри эса...

"Франс-Пресс" агентлиги эса ўз сайтида бундан ҳам ғаройиброқ ўғирлик ҳақида ҳикоя қилади. Япония шаҳарларидан бирида истиқомат қилувчи фуқаролардан бири бир умр кутилмаганда бойиб кетишни орзу қиларди. Лекин катта бойлик ҳеч қачон осмондан тушмайди. Қолаверса, Оловиддиннинг сеҳрли чироғи ҳам эртакларда қолиб кетган. Бугун бой бўлиш учун ишлаш ва фақат ишлаш керак. Бизнинг қаҳрамонимиз эса меҳнатни ёқтирмас эди. Шунинг учун ҳам осон бойлик топиш йўлини ахтарарди. У ўйлай-ўйлай бойишнинг антиқа йўлини топди. Бу жуда осон экан. Борасан. Катта бойликни ўмарасан ва ундан кейин ялло қилиб яшайверасан. Фақатгина ана ўша катта бойлик қаерда эканини топсанг бўлди. У ўғирликнинг оқибати нима билан тугаши ҳақида бош қотириб ҳам ўтирмади.

Шундай кунларнинг бирида у кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи компания ходимининг изидан тушди. Навбатдаги савдо бўлиб ўтгач, компания ходими савдодан тушган 70 миллион йен, яъни 500 минг долларни қоғоз қопчага жойлаб, машинасининг орқа ўриндиғига ташлаб қўйди-да, ўзи тамаддихонага кириб кетди. Бу ўғри учун айни муддао эди. У бир лаҳзанинг ичида машина ойнасини синдириб, ўзи умр бўйи орзу қилган бойликни қўлга киритди. Энди фақат воқеа жойидан узоқлашиб улгурса, бўлди...

Буни қарангки, унга ҳам омадсизлик панд берди. Машинадан эллик қадам узоқлашар-узоқлашмас, қўлидаги қоғоз қопча йиртилиб кетди. Табиийки, ён-атрофга сочилиб кетган бир уюм пул кўпчиликнинг этиборини тортди. Бунинг устига қаердандир полиция ҳам пайдо бўлди. Хуллас, омадсиз ўғри қўлга тушди. Пуллар эгасига қайтарилди ва, албатта, ўғри ҳам тегишли жазони олди...

Шу йилнинг январ ойида Буюк Британия шаҳарларидан бирида юз берган ўғирлик ҳам анча-бунча шов-шувга сабаб бўлди. Маълумки, Британияда "Hoble" маркали спорт автомобиллари ишлаб чиқарилади. Машинасозлар айнан мана шу туркумдаги учта янги маркали автомобилни феврал ойида бўлиб ўтадиган кўргазмага тайёрлашди. Лекин уларга кўргазмада қатнашиш насиб этмади. Чунки ўғрилар бир кечада ҳар учала автоуловни ҳам "тинчитиб" кетишди. Тўғри, машиналарнинг бирини эртаси куниёқ корхонадан унча узоқ бўлмаган тор кўчаларнинг биридан топишди. Қолган иккитаси эса худди қумга тушган нинадек изсиз ғойиб бўлди. Полициячиларнинг барча саъй-ҳаракатлари зое кетди. Улар ўғриларнинг изидан туша олмадилар.

Лекин машинасозлик компанияси раҳбари Ли Нобль бундан кўпам ташвиш чеккани йўқ. У машиналар йўқолган биринчи куниёқ шундай деган эди:

– Ўғрилар барибир машинани бизга қайтаришга мажбур. Чунки ҳали мамлакат бозорларида бундай русумли машиналар пайдо бўлгани йўқ. Демак, бозорда сота олмайдилар. Қолаверса, бу машиналарни хорижга олиб чиқиб кетишнинг ҳам иложи йўқ. Чунки бундай русумдаги автоуловлар ҳали бирорбир давлатнинг божхонасида қайд этилмаган. Энг асосийси, ўғрилар биздан олиб қочган машиналарни "бўлаклаб" ҳам сота олмайдилар. Чунки уларга ўрнатилган эҳтиёт қисмлар бошқа бирорта ҳам машинага тўғри келмайди. Шундай экан, улар бизга машиналарни қайтаришга мажбур бўлишади...

Буни қарангки, компания раҳбари ҳақ бўлиб чиқди. Ўғирлик содир этилгач, орадан бир неча ой ўтиб, унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Қўнғироқ қилувчи унга йўқолган ҳаворанг «M400 GTO» ва кумушранг «M12 GTO» автоуловларини қайта сотиб олишни таклиф қилди. Бу ҳақда Ли Нобль шундай ҳикоя қилади:

– Биз кўргазма учун тайёрлаган машиналарнинг нархи ўртача 430. 000 еврони ташкил қиларди. Ўғрилар машиналарнинг ҳақиқий нархини билмасликлари, қолаверса, мен улар айтган нархга эмас, аксинча, улар мен айтган нархга рози бўлишларини кўнглим сезиб турарди. Чунки уларнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Барибир машинани пуллашнинг иложини топа олишмасди.Шунинг учун ҳам ўғрилар биринчи марта қўнғироқ қилишганда, ҳар иккала машина учун 4. 500 евро беришимни айтдим. Улар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, нархни бундан бир тийин ҳам кўтармаслигим, бу машиналарнинг менга умуман кераги йўқлигини билдирдим. Шундан сўнг ўғрилар ноилож мен айтган нархга рози бўлишди. Биз Ковентри ресторанида учрашишга келишиб олдик. Лекин улар бу ерга келишмади. Қўнғироқ қилиб, учрашувга бошқа жойни белгилашди. Хуллас, ярим кун давомида учрашув жойини ўн мартага яқин ўзгартиришди. Назаримда, улар менинг орқамда "дум" бор-йўқлигини текшириб кўришган бўлса керак. Табиийки, мен бу учрашув ҳақида полицияга хабар бермаган эдим. Агар шундай йўл тутсам, қимматбаҳо машиналаримни қайта кўрмаслигимни сезиб турардим. Ўғрилар билан улар айтган кўприк устида учрашдик. Улар мени ва машинамни эшитув мосламалари ўрнатилганми ёки йўқми, деб роса текшириб кўришди. Шундан сўнг машинага ўтириб шаҳар четидаги қаровсиз гаражлар турган жойга бордик. У ерда менга тегишли бўлган ҳар икки машина бус-бутун турарди. Мен уларга келишилган нархдан бир неча баравар кам пул бердим. Буни қарангки, улар пулни санаб ҳам кўрмай чўнтакка уришди ва кўздан ғойиб бўлишди. Улар машиналарнинг аккумуляторлари ва аудиотизимларини ечиб олишган экан, холос...

Улар кейинроқ менга телефон қилиб, пул келишилганидан камлигини айтишди. Мен уларга "сизлар билан аккумуляторлар ва аудиотизимлар учун ҳисоб-китоб қилдим", деб жавоб бердим.

Ана шундай қимматбаҳо машиналарни эгасига арзимаган пулга сотган омадсиз ўғриларнинг бир томондан омадлари ҳам бор экан. Чунки ҳалигача полиция уларнинг изига туша олгани йўқ.

**Интернет материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади**

Ajab savdolar

***Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор "Рашк феодализм қолдиғи эмиш, хўрозларга қирон келди", деб ёзганида батамом ҳақ эди. Рашк бор нарса, уни инкор этиб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди. Фақат унинг чеки-чегарасини билиш керак. Ҳар қандай оила муҳаббат асосида қурилса, эр-хотин бир-бирини севиб, кези келганда жиндеккина рашк қилиб яшаса, шубҳасиз, бундай турмуш ширин бўлади. Лекин керагидан ортиқ рашк ширин турмушга оғу солиши, ҳатто кишини жиноятга етаклаши ҳам мумкин. Қуйидаги воқеа ушбу фикримизга исбот бўла олади, деб ўйлаймиз.***

# НОЎРИН РАШК

Шаҳрисабзлик икки нафар фарзанднинг онаси Файзинисо рашк оқибатида эрининг умрига зомин бўлишига бир баҳя қолди. Қандай қилиб дейсизми? Мана эшитинг: у ҳам бошқа уй бекалари сингари эрининг ишдан қайтишини, иложи бўлса, эртароқ қайтишини яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам оила тинч, рўзғор тотув эди. Эр ишдан вақтида қайтар, хотин уни хуш-хандон кутиб оларди. Турмуш ўртоғи Сайфулла ҳам ҳамиша хотинининг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Хуллас, улар икки фарзандли бўлишгунича, бирор марта жиддийроқ сен-менга боришгани йўқ. Яхши эркакни бошга кўтариб юрса арзийди, дейишади. Худди шу мақолни яхши хотинга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Бироқ кейинги пайтда Сайфулла бир-икки марта ишдан кеч қайтди. Устига-устак бир кун қаердадир ётиб ҳам қолди. Бу Файзинисонинг юрагида пайт пойлаб ётган рашк туйғусини уйғотиб юборди. У энди эрининг ҳар бир хатти-ҳаракатидан хиёнат асосларини излай бошлади.

Бугун ҳам худди шундай бўлди. Кутавериб тоқати тоқ бўлган Файзинисо минг хаёлга борди. Гумон имондан айиради. Хаёлан қайсидир таниш аёлларнинг хонадонига кириб чиққан аёл, ахийри, чидаб туролмади. Соат кечки 23 га бонг чалаётганда икки боласини ҳам унутиб, уй кийимида кўчага чиққанини ўзи ҳам сезмай қолди. Қаерга борса бўлади? Қайдан изласин уни?!. Ҳа, кўнгли сезаяпти. Сайфулла айнан ўша аёлникида бўлиши мумкин. У ўзи гумон қилган хонадонига шошилинч кириб борганида, эри ўша хонадон соҳибаси билан бехавотир суҳбат қуриб ўтирган эди. Файзинисо даб-дурустдан эрини бузуқликда айблай кетди. Эр эса бу хонадонга бор-йўғи бир дўстини сўраб борган эди. Хулласки, эр-хотин бегона аёл олдида жанжални авжига чиқаришди. Сайфулла эса хотини уни ҳеч бир исбот-далилсиз айблаётганидан жиғибийрон бўлиб, жаҳли қўзиб кетди. Жаҳл аралаш хотинининг юзига бир шапалоқ тортиб юборганини ҳам сезмай қолди.

Жанжалнинг давоми ўз уйларига кўчди. Эр-хотиндан бири озгина паст келганида олам гулистон эди. Йўқ, аксинча бўлди. На хотин гапдан қолди, на эр жаҳлдан тушди. Натижада Файзинисо шайтон етовига юриб, нима қилганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қайдандир қўлига илинган пичоқни олиб аввал ўзининг қорнига тиради. Бу ҳолни кўриб, ундан пичоқни олиш учун яқинлашаётган эрига ташланиб, унинг чап кўксига пичоқни санчиб юборди.

Хайриятки, Сайфуллани худо бир асради. Кўп қон йўқотган эр шифохонада ўзига келди ва ўн кун даволаниб, тузалиб чиқди. Ўртадаги икки фарзанд ҳаққи-ҳурмати рашкчи хотинига даъво қилмади. Бироқ одил судлов суд ҳукми билан жиноятчи аёл қилмишига яраша жазоланди. Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми билан ҳамда 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима жазосига тортилди.

Сўнгсўз ўрнида бир фикрни айтиб ўтишни жоиз топдик. Хўш, Файзинисо қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди. Лекин Сайфуллачи? Унинг қилмишини оқлаб бўладими? Агар у хотига ўз вақтида қаерга кетаётгани ва қачон келиши ҳақида айтганда, Файзинисо жиноятчига айланиб, судланиб юрмасди. Қолаверса, ота-боболаримиз "Эркаксиз уй"нинг остонасини куппа-кундузи ҳам ҳатлашмаган. Сайфулла эса тунги 23 да ўзга хонадонда, ҳали ишдан қайтмаган дўстини кутиб ўтирган. Демак, бу ўринда Сайфуллани ҳам бутунлай оппоқ, деб бўлмайди.

Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай, азиз газетхон?

**Турдимурод УМИРЗОҚОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Куз саховати*

Jinoyat va jazo

# ҚАБОҲАТ КАЛИТИ

**СУД ОЧЕРКИ**

Табиатнинг ғалати қонунияти бор: одатда, ҳар бир фаслнинг сўнгги ўн кунлигида об-ҳаво секин аста-ўзгариб, галдаги фаслга хос ҳодисалар рўй бера бошлайди. Бироқ бу гал бундай бўлмади. Гарчи февраль ойи охирлаб қолган бўлса-да, қаҳратон қишнинг изғирини сира тийилай, демасди. Айниқса, тунда совуқ авжига чиқарди.

Бундай пайтда "Тепақўрғон" қабристони шаҳарнинг буткул сукунат чўккан масканига айланиб қолади. Аммо ўша оқшом ушбу сукунатни бир шарпанинг телбавор кезиши бузди.

Ҳаётда одам боласи учун энг муҳими, бу — тани сиҳатлик, оилавий бахт, тинчлик ва хотиржамликдир. Айни неъматлардан бенасиб киши умрнинг мазмунини ҳис этолмайди.

Ўтган йил Галина (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир дунё орзу-ҳавас билан Неъматжонга турмушга чиқди. Тўғри, аввалига уларнинг турмуши тинч ва осойишта кечди. Бироқ кейинчалик кутилмаган зиддиятлар пайдо бўла бошлади. Айниқса, келин бўлмиш аксарият ҳолларда қайнонаси билан гап талашиб қолар, бу низо катталашиб, охир-оқибат жанжалга айланарди. Шунда Галина аразлаб онасининг уйига кетиб қоларди. Орадан кўп ўтмай қайнонаси Холида опанинг ўзи уни қайтариб олиб келарди. Онаизор нима бўлганда ҳам ўғлининг тинчлигини ўйларди.

Худо қарғаган ўша кун ҳам Галина эри билан жанжаллашиб, онасининг уйига кетиб қолган эди. Бундан қаттиқ асабийлашган Неъматжон кун узоғи уйдан чиқмай ётди. Унинг кўнгли қоронғу тортган, ичи чироқ ёқса ёришмасди. Эртаси куни нонушта маҳали она ўғлига насиҳат қилди:

— Болам, эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, дейдилар. Шунинг учун гина-кудратни йиғиштириб, хотинингни уйга олиб кел, — деди Холида опа.

Онасининг гапини икки қилмайдиган Неъматжон шу заҳотиёқ қайнонасининг уйига қараб йўл олди.

Бироқ у ердан Галинани топа олмагач, қайноғаси Маратнинг уйи эшигини тақиллатди. Марат уйида "яримта" ни майдалаб ўтирган экан. Уни кўриб, дарров ичкарига таклиф қилди. Унинг ҳам юрагига қил сиғмас, нега деганда, кеча у ҳам хотини Гулсора билан жанжаллашган ва хотини боласини олиб, ота-онасиникига кетиб қолган эди.

— Куёвни пайғамбарлар сийлайди, деганларига энди ишондим, — ўзига улфат топилганидан суюниб гап бошлади Марат. Неъматжон эса ундан хотини қаерда эканини сўради.

— Кеча онамнинг уйида кўргандим, — деди Марат қўлидаги қадаҳни Неъматжонга узаётиб, — аммо бугун кўзим тушмади.

Шундан сўнг икковлон улфатчиликни бошлаб юборишди. Кетма-кет қадаҳлар кўтарилди. Пойинтар-сойинтар бўлса-да, тилаклар билдирилди. Лекин орадан бир соат ўтиб, ушбу хушчақчақлик ўрнини дилхиралик, аниқроғи, қабоҳат эгаллади. Бунга кайфи ошиб қолган Неъматжоннинг ҳақоратли сўзлари сабаб бўлди.

— Онангдан тортиб, опа-сингилларинггача бари суюқоёқ, — дея қайноғасини куракда турмайдиган сўзлар билан "сийлаш" га тушди у. Унинг гапи ҳар қанча иззат нафсига тегмасин, Марат шайтонга ҳай беришга уринди. Шунинг баробарида у Неъматжоннинг иззатини жойига қўйиб, ўзини босиб олишга ундади. Аммо сархуш куёвтўра тилини тийиш ўрнига баттар авжига чиқди. Аслини олганда, унинг оғзидан чиқаётган гап-сўзлар шунчаки бўҳтон эди. Бироқ бу ҳақоратомуз сўзлар ҳар қандай кишининг ғурурини топтарди. Шу боисми, охир-оқибат Неъматжоннинг ҳақоратини индамай эшитишга Маратнинг бардоши етмади. У хонтахта устида турган пичоқни қўлига олиб, Неъматжонга ташланди. Кўз очиб, юмгунча қотиллик содир этилди. Неъматжон ерга йиқилиб, хириллаб қолди ва зум ўтмай ҳаётдан кўз юмди.

Бироз ўтиб, ҳуши ўзига келган Марат поччасини ўлдириб қўйганини англаб етди-ю, даҳшатга тушди. У кўп ўтмай ўзини қўлга олди ва шоша-пиша қотиллик изларини яширишга тушди. Жасадни полиэтилен қопга солиб, балконга олиб чиқди, полдаги қон доғларини артиб тозалади. Қонга бўялган латтани эса кўчага олиб чиқиб, ёқиб юборди. Кейин уйига қайтиб кириб, тун ярмигача ухламай ўтирди.

Маратнинг уйи ортида "Тепақўрғон" қабристони жойлашган эди. Тўғриси, бу ўша дамда жиноят изини яширишга жуда қўл келди. Соат тунги 2 лар чамаси у мурдани орқалаб, қабристонга олиб чиқди. Сўнг эски қабрларнинг ёнидан лаҳм ковлаб, уни кўмиб ташлади...

Орадан икки-уч кун ўтмай Неъматжонни изсиз йўқолгани ҳақида совуқ хабар тарқалди.

Уни қариндош-уруғлари излашга тушишди. Лекин ҳеч қаердан унинг дараги чиқмади. Қариндош-уруғ Маратни ҳам қийин-қистовга олишди. Лекин у ўламан саттор мен кўрганим йўқ, деб туриб олди.

Ахир, қўлингда тайин асосинг бўлмаса, бировни айблаш қийин. Неъматжоннинг қариндош-уруғлари ҳам шундай аҳволга тушиб қолишди. Шу сабабли улар охир-оқибат Маратни ўз ҳолига қўйиб, Неъматни бошқа жойлардан излай бошлашди.

Лекин ҳаётда шундай бир кудратли ҳакам борки, унинг ҳукми олдида ҳар қандай метин иродали киши ҳам ожиз қолиши мумкин. Бу— виждон азобидир. Маратни ҳам кечаю кундуз виждон азоби қийнарди. Тўғри, аввалига у бу ҳолат тезда ўтиб кетади, деб ўйлади. Бунинг устига у ўзи қўл урган жиноятни унутишга уринди. Бироқ уддасидан чиқолмади. Қотиллик содир этилганининг ўн учинчи куни у тегишли идорага бориб, ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди.

Яқинда мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди Маратга қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Албатта, жазо тайинлашда унинг қилган жиноятига ўзи иқрор бўлиб келгани ҳам инобатга олинди. Бироқ, бу воқеанинг кишини ўйга толдирадиган бошқа бир жиҳати бор. Агар эътибор берган бўлсангиз, бу қотилликнинг илдизи ичкиликка бориб тақалади. Шунинг учун ичкилик ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтиш ўринлидир. Бинобарин ичкиликка муккасидан кетган кимсалар дастлаб тулки каби бир-бирларига ёлғон мулозамат қилишади. Кейин шерга ўхшаб бир-бирларига ташланадилар. Охир-оқибат тўнғиз каби ерга чўзилиб қолади. Тиббиётда эса ичкиликнинг бевақт ўлимга олиб бориши ҳам исботланган. Лўнда қилиб айтганда, уни қабоҳат ва залолат калити, дейиш мумкин.

**Акбаржон ЮСУПОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50